

SHORT DICTIONARY OF ECONOMICS/BUSINESS/TAXATION
Инглизча Иқтисодиёт, Бизнес ва Солиқ терминларининг қисқача луғати

Ability to pay principle – тўловлик қобилияти:

Юқорироқ даромадга эга бўлган шахслар томонидан мутлоқ ёки нисбатан кўпроқ солиқлар тўлашини белгиланиши.

Ad valorem tax – адволар солиғи:

Ўзбекистонда мол-мулк солиғига тўғри келиб, мулкни бозор қийматидан келиб чиқиб ундириладиган солиқни ҳисоблаш назарда тутилади.

Account – ҳисоб рақам:

Ташкилот ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг шартнома асосида банкда очилинадиган ҳисоб рақами бўлиб, кирим – чиқим операциялари амалга оширилади.

Accrued interest – анатоцизм:

Фоизлардан фоиз олиш, фақат дастлабки миқдордан эмас, ўтган вақтда ошган фоизлардан ҳам фоиз ҳисоблаш.

Amortisation - амортизация:

Асосий воситаларни эскирган қисмининг қийматини маҳсулотнинг таннархига киритилиши.

Amortization fund – амортизация фонди:

Асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда ишга туширишга мўлжалланган пул маблағлари; у икки ёқлама табиатига эга, яъни у бир йўла асосий фондларнинг эскириш ўрнини қоплаш ва уларни кенгайтирилган тарзда ишга тушириш жараёнларига хизмат қилади.

Advance- аванс:

Бир жисмоний ва юридик шахс томонидан бошқасига моддий бойликлар сифатида муайян ишни бажариш, хизмат кўрсатиш ва бошқалар учун келгусида тўланадиган пул миқдори. Ходимга аванс ишқақи ҳисобидан, хизмат сафари харажатлари учун ва бошқа мақсадларда берилади.

Alternative minimum tax – альтернатив минимал солиғи:

Жами тушган даромаддан маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатини чегириб ташлаш.

Aggregation – мажмуи, (ҳаммаси):

Солиқ тўловчининг турли манбалардан оладиган даромадини ҳисоблаб, ўсиб боровчи шкалада ҳисоблаш.

Absolute tax incidence – мутлоқ солиқ юки:

Солиқ юкининг реал тақсимоти бўлиб, ялпи ички маҳсулот таркибидаги солиқ улуши.

Agent – Агент:

Юридик ёки жисмоний шахс бўлиб, фирманинг ҳисобидан ёки унинг номидан, унинг хизматчиси бўлмай туриб, бошқа шахснинг (принципалнинг) топшириғи бўйича операцияларни амалга оширувчи шахс.

Arbitrage (arbitration) – арбитраж:

Битта товарнинг ўзига қўйилган нархлар ўртасидаги фарқдан фойда олиш мақсадида битта ёки бир нечта бозорлардан бир вақтнинг ўзида харид қилиш ва сотиш (шартномалар) операцияси.

Assets - активлар:

1) Моддий ва номоддий активлар. 2) Мажбуриятлар сотилиши ва ўрни тўлдирилишида амалга ошириладиган активлар (пул маблағлари, чеклар, векселлар, пул ўтказиш, аккредитивлар).

Assignment – ассигнация:

Қоғоз пуллар. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, олтин ҳамда бошқа металларни пул сифатида муомаладан чиқаришнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги.

Appeal - шикоят, этироз:

Солиқ органлари томонидан ўтказилган текширув натижасида солиқ тўловчи томонидан билдирилган эътироз 10 кун ичида солиқ органи ёки ундан юқори бўлган ташкилотга мурожаат қилиши мумкин.

Association – ассоциация:

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси.

Appropriation of funds-жамғармани мувофиқлашуви:

Давлатга қайтариб берилмаслик шарти билан аниқ мақсадга қаратилган молиявий кўмак (ссуда/субсидия,)

Accrualbasis – ҳисоб базаси:

Ҳисобларни киритиш усули бўлиб, солиқ ва бухгалтерия ҳисоб китобларини олиб бориш мақсадида кирим-чиқим маблағларини реал (қатъий) ҳисоблаш жараёнида фойдаланилади.

Acceptance – акцепт:

1) Бошқа томон таклифига (офертага) мувофиқ шартнома тузишга розилик; 2) халқаро ҳуқуқда – шартнома шартларига боғлиқлик ҳақидаги бир томонлама аризалар

Active trade balance – актив савдо баланси:

Мамлакатдан четга чиқарилаётган товарларнинг (экспортнинг) мамлакатга кириб келаётган товарлардан (импортдан) ошиб кетишлигини характерловчи савдо баланси.

Excise, (excise duty) – акцизлар:

Асосан оммавий истеъмолдаги товарлар ва хусусий корхоналарнинг нархига ёки тарифига қўшилаётган бевосита товарларга солинадиган солиқлар тури.

Amortization (depreciation) – амортизация:

Аста-секин эскираётган асосий фондлар қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўтказиш. Пул маблағларининг мақсадли жамғарилиши ва уларнинг кейинчалик эскирган асосий фондлар ўрнини тўлдириш учун қўлланилишидир.

Automated information system:

Автоматлаштирилган ахборот тизими.

Aval (bill of exchange) – Аваль:

Алоҳида кафолат ёзувига эга бўлган кўринишдаги векселли талабнома. Талабномани берганшахс (авальчи) ушбу талабнома (вексель) бўйича ҳар қандай мажбуриятнинг бажарилишига масъул шахслар (акцептант, вексель берувчи, индоссантлар) вексельгаси олдида масъулиятини ўз бўйнига олади.

Barter – бартер (айрибошлаш):

Алмаштириш, айрибошлаш; бирор товарни бошқа товарга ёки маҳсулотга алмаштириш

Bill of credit – аккредитив:

Аккредитив хатда кўрсатилган шартларни бажаришда жисмоний ёки юридик шахсларга маълум тўлов тўлаш ҳақида банктўловномаси.

Bond – бонлар:

1) Давлат хазинаси томонидан чиқариладиган, шунингдек, баъзи муассаса ва корхоналар томонидан ҳам чиқариладиган қарзли мажбуриятлар; 2) майда пул сифатида вақтинча оборотга чиқариладиган кам қийматли қоғоз пуллар.

Bonus – бонус:

Қўшимча рағбатлантириш, тақдирлаш пули, мукофоти; сотувчиларнинг қилинган иш ёки алоҳида битимга мувофиқ харидорга таклиф қиладиган қўшимча чегирма.

Customs (customs house) – божхона:

Товар, маҳсулотларнинг экспорти ва импорти операцияларини назорат қилувчи ва бож тўловларини тўловчи ташкилот, божхона.

Customs union – божхона иттифоқи:

Ягона божхона тарифларини ташкил этиш ва божхона чегараларига чек қўйиш мақсадида икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг келишуви. Б.И. аъзоси бўлган давлат товарини бошқа би. аъзоси бўлганда влат худудига бож тўловларсиз киритади.

Preference - преференция

Инвестицион ва инновацион харажатларни молиялаштириш учун инвестицион олик кредити ва мақсадли солиқ имтиёзи кўринишида белгиланган (ўрнатилган) имтиёз ёхуд афзаллик.

Dividend – дивиденд:

Тақсимлашга мўлжалланган акционерларнинг соф фойдаси (даромади), акционерлик жамияти ёки корхона соф фойдасидан ҳар бир акция учун акционерларга маълум даврдан сўнг (ҳар йили айрим ҳолларда, ҳар чоракда) тўпланадиган даромад.

Free goods – божсиз юк келтириш:

Бож хона божларидан озод этилган товарлар импорти бўлиб, у алоҳида товарларга ёки бир турли мамлакатлардан келадиган импорт товарларга нисбатан қўлланилади ва у вақтинча ёхуд узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Quote - квота:

1. Тегишли битим доирасида миллий ёки халқаро бирлашма иштирокчиларининг ишлаб чиқариш ёки сотишда иштирок этиш ҳиссаси. 2. Халқаро иқтисодий ёки молия - валютавий ташкилотнинг устав фонди ёки капиталида мамлакатнинг бадали. 3. Солиққа тортиш бирлигидан олинадиган солиқ ставкаси. (абсолют ифодада ёки

ҳисса кўринишида) 4. Ниманингдир қисми, ҳиссаси, нормаси, миқдорий чекланишлар.

Licence - лицензия:

У ёки бу маҳсулотни тайёрлаш, хўжалик, ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятнинг турини амалга ошириш, товарларнинг маълум бир тури ва миқдорини экспорт ёки импорт қилиш, олиб кириш, олиб чиқиш ёки ўтказиб кетишга давлат ёки маҳаллий бошқарув органларининг расмий рухсати (розилиги). Янги техника ва технологияга асосан лицензия уч хил бўлади: 1) оддий лицензия; 2) махсус лицензия; 3) тўла лицензия.

Leasing - лизинг:

Молия - кредит муносабатларининг шаклларида бири бўлиб, корхоналар томонидан машина, асбоб-ускуна ва шунга ўхшаш жиҳозларни узоқ муддатли ижарага олинишини англатади. Лизингда, унинг объектлари одатда (лекин мажбурий тартибда эмас) ижарага берувчи корхонанинг балансидан ижарага олувчи корхонанинг балансига пировардида ўтказилади. Бу тартибдаги битимлар ижарачи корхона учун фойдали ҳисобланиб, улар молиявий зарар кўрмайдилар ва одатда солиқ ва амортизация имтиёзларига эга бўладилар.

Calculation - калькуляция:

Маҳсулот бирлиги ёки бажарилган иш тан - нархини ҳисоблаб чиқариш. Калькуляция - таннарх бўйича режа ёки ҳисоботнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Obligation - облигация:

Фуқаролик қонунларига мувофиқ облигация - қимматли қоғоз. Уни сақловчи, облигацияни чиқарган шахсдан, облигацияда шартномасида назарда тутилган муддатда облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулквий эквивалентини олиш ҳуқуқига эга. Облигация сақловчига облигациянинг номинал қийматидан облигацияда қайд этилган миқдорда фоизлар олиш ҳуқуқини ёки бошқа ҳуқуқларни ҳам беради. (Фуқорлик кодексининг 741- моддаси).

Investor - инвестор:

1. Шахсий қарзи ва жалб қилинган маблағларни инвестициялар шаклида жойлаштиришни амалга оширувчи ва уларнинг мақсадли фойдаланишини таъминловчи инвестицион фаолият субъекти. 2. Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Privilege - привилегия :

Имтиёз - маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман (ёки тўлиқ) озод этиш, маълум бир афзалликларга (қулайликларга) эга бўлиш, масалан: солиқ имтиёзига.

Rent - ижара: (рента)

Ижара - шартнома, мулквий ёлланишдан иборат бўлиб, унга мувофиқ ижарага берувчи (ижарадор) маълум ҳақ (мукофот, такдирланиш) - ижара ҳақи асосида мулкни ижарага олувчига (ижарачига) вақтинчалик фойдаланиш учун беради.

Identificationnumber - идентификация номер:

Ҳар бир жисмоний шахсга Давлат солиқ кўмитаси томонидан солиқ тўлаш мажбурий эканлиги, ҳақида бериладиган индивидуал (шахсий) гувоҳнома рақами.

Grant- грант:

Инновацион характердаги ишларни мақсадли имтиёзли молиялаштириш. Солиққа тортиш мақсадлари учун «грант» термини қўлланилганда хорижий хайрия ташкилот (фонд) лари томонидан корхона ва ташкилотларга пул ёки натурал шаклда, илмий-тадқиқот, тажриба, конструкторлик ишларини, ўқитиш, даволаш ва бошқа шу каби мақсадларни амалга ошириш учун уларни фойдаланганлиги тўғрисида ҳисобот бериш шарт билан бериладиган маблағлар тушунилади.

Dumping- демпинг:

Экспорт товарларни ички бозор нархига қараганда паст нархларда сотиш (бозорда рақобатчиларни енгиб чиқиш мақсадида моллар ва хизматлар нархларини сунъий тарзда пасайтириш).

Antidumpingduty - Демпингга қарши бож.

Deposit - депозит:

1. Кредит ташкилотларида сақланадиган қимматли қоғоз. 2. Пулни захирага (депозитга) кўчириш. 3. Қарздор кредиторларга бериб юбориш учун суд муассасасига ажратадиган пул суммаси ёки қимматли қоғозлар.

Declaration - декларация:

Муайян ахборотдан иборат бўлиб, маълум қоидаларни эълон қилувчи баёнот, ҳужжат. Масалан: солиқ ёки божхона декларацияси.

Devaluation- девальвация:

Миллий пул (валюта) бирлигининг расмий шаклда даражаси пасайиши.

Валюталарнинг расмий қиймати уларнинг олтин таъминотини таққослаш билан белгиланган давр (1978 йил) гача девальвация - пул бирлигининг таркибидаги олтин ҳиссасини камайтириш йўли билан амалга оширилган. Ҳозирги вақтда эса у барча эркин алмашинадиган валюталар (одатда, АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, евро ва бошқалар) га нисбатан пасайтириш йўли билан амалга оширилади.

Mechanism - механизм:

Бирор бир ишни (операцияни) натижали яқунлашга олиб келувчи кетма-кетлик (изчиллик) жараёни. Масалан: солиқ ундириш механизми.

Market – бозор:

Товарлар билан пулларнинг ҳаракатини таъминловчи ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида, сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар тизими. Маълумотлар манбаи сифатида миллионлаб товар ишлаб чиқарувчиларни бир-бири билан боғловчи бўғин.

Offshore - оффшор:

Дунёдаги молиявий марказлар, шунингдек банк операцияларини тавсифлаш учун қўлланилувчи термин. Хориждаги капитал маблағларини юқори самара берадиган қилиб жойлаштириш шарт - шароити яратилган иқтисодий зона, худуд маркази. Кредит ва бошқа муассасалар (миллий ва хорижий) резидентлар билан (хорижий жисмоний ва юридик шахслар билан) хорижий валютада банк операцияларини амалга оширадиган марказлар «off-shore» дейилади. Бундай марказларда ҳисобга олинган ташкилот (компаниялар) қисман ёки тўлалигича солиқдан озод этилади.

«Off-shore» термини билан халқаро ҳуқуқнинг солиқ тўланмайдиган ҳудудларидаги компанияларни ҳам аташади.

Aviso - авизо:

Ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳисоб - китоблар таркибидаги ўзгаришлар ёки пул ўтказиш, мол жўнатиш ҳақидаги хабар ва маълумотномалар.

Accreditative - аккредатив:

Махсус ажратиб қўйилган маблағлар ҳисобига корхоналар ўртасидаги шаҳарлараро нақд пулсиз ҳисоб - китобда фойдаланиладиган банк ҳисоб рақами тури. Кимга берилган бўлса, ўша шахснинг кўрсатилган суммани банк муассасидан олиш ҳуқуқини тасдиқловчи пул ҳужжати.

Accountsreceivable – дебитор қарз:

Ўзаро муносабатлар натижасида жисмоний ёки юридик шахсга корхонанинг қайтариши зарур бўлган барча қарзлари суммаси; корхонага етказиб берилган товар ёки кўрсатилган хизмат учун тўлаши керак бўлган барча сумма.

Excise- акциз:

Конкрет товарни сотиб олиш билан боғлиқ сарфларга солиқ; оммавий истеъмол товарларига билвосита солиқлар; акциз солиқдан кўзланган мақсад давлат бюджетини даромадларини оширишдан иборат. Сигарет, ароқ, туз, чой каби маҳсулотлар акциз солиғи объектидир. Масалан, сигаретни нархи 50 сўм бўлса, унга давлат 10 сўм акциз солиғини солади, натижада у 60 сўмдан сотилади ва 10 сўм давлат бюджетига даромад сифатида тушади.

Audit - аудит:

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш, таҳлил этиш, ҳамда йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва баланси бўйича хулоса ва кўрсатмалар бериш.

Auditor- аудитор:

Ташкилот ва корхоналарнинг молиявий - хўжалик фаолиятини холисона тафтиш қилиб, таҳлил қилувчи ҳамда уларга тегишли маслаҳатлар берувчи мустақил мутахассис.

Auction- аукцион:

Молларни оммавий тарзда сотувга қўйиш йўли билан сотиш учун муайян жойларда ташкил этилган махсус ким ошди савдо бозорлари. Харидорлар орасида энг юқори нархни таклиф қилган товарни сотиб олади. Бу нарх аукцион нархи бўлади.

Balance - баланс:

Муттасил ўзгариб турувчи ходиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Миллий иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожланишини, унинг самарадорлигини таъминлашда зарурий нисбатлар. Миллий иқтисодиёт соҳалари, моддий, тармоқлараро тўлов, қиймат, меҳнат, ресурслар, ёқилғи, эгергетика, фойда баланслари, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси, бухгалтерия баланси ва шу каби баланслар мавжуд.

Banknote – банкнотлар:

Банк билетлари – марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган пул белгилари. Ҳозирги кунда улар қоғоз пулларнинг асосий тури ҳисобланади.

Banknotecirculation – банкнотлар муомаласи, ҳаракати:

Марказий банклар томонидан чиқарилган муомала ва тўлов воситаси сифатидаги банк билетларининг фаолият кўрсатиши.

Bankruptcy - банкротли, синиш:

Қарзли ночорлик, тадбиркорнинг ўз қарз мажбуриятлари бўйича маблағи бўлмаганлиги учун тўлашдан бош тортиши. Корхона суднинг қарз мажбуриятлари бўйича ҳисоблашиш қобилияти йўқлиги ҳақидаги қароридан сўнг расмий даражада банкрот бўлиб қолади. Суд корхонанинг ўз илтимосномасига (ўз хоҳиши бўйича тугатилиши) ёки унинг кредитлари талаби билан (мажбурий тугатилиши) ҳақида қарор чиқаради.

Buisness - бизнес:

Пул топишга, фойда олишга йўналтирилган иқтисодий фаолият. У хўжалик юритиш кўламига қараб йирик, ўрта ва майда турларга бўлинади. Шу билан бирга «бизнес» бир қанча маъноларга эга: а) мутахассислик; б) тижорат фаолияти; в) савдо корхонаси, фирма; г) фойдали битим.

Businessman – бизнесмен:

Коммерсант, даромад ёки бошқа шахсий фойда келтирадиган иқтисодий фаолиятнинг исталган қонуний тури билан шуғулланувчи тадбиркор.

Basisprice – базис нархлар:

Молнинг сифати ёки навини аниқлаш учун белгиланадиган нарх, у олди-сотди битимида келишилган бўлади ва етказиб бериладиган молнинг ҳақиқий нархини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Barter- бартер:

Пул тўловисиз бевосита мол айрибошлаш савдоси.

Benefit – фойда:

Хўжалик юритувчи субъектнинг соф даромади шакли; Хўжалик фаолиятининг умумлашган кўрсаткичи. Фойда-баланс фойдаси, товар маҳсулотини ишлаб чиқаришдан олиган фойда ва ҳисоб фойдасига бўлинади; товарлар реализацияси ва хизматлардан келган даромадлар суммасидан харажатлар ва солиқларни чегириб ташлангандан сўнг қолган пул.

Broker- брокер:

Қимматли, мол ва валюта биржаларида битим тузишда воситачилик билан шуғулланувчи шахс ёки фирма.

Budget - бюджет:

Давлат, корхона ёки айрим олинган шахснинг маълум муддат учун белгиланган даромад ва харажатларининг ҳисоби.

Bonification - бонификация.

Етказиб берилган юқори, сифатли товар учун шартномадаги баҳо устига қўйиладиган устама нарх. Кўпроқ ташқи савдода қўлланилади.

Bookvalue – балансли қиймат:

Узоқ муддатли активнинг йиғилиб қолган эскириш қиймати чегириб ташлангандан кейинги қоладиган дастлабки қиймати (ўз капиталнинг камёб мажбурият ва

моддалари); янада кенгроқ маънода – тегишли счётининг қолдиқ камайишини ҳисобга олган ҳолдаги мазкур актив қиймати.

Debt- дебит:

Ҳисобхона ҳисобида қарз олганларнинг қарзини кўрсатувчи қисм.

Debtor- дебитор:

Корхона, ташкилот, шунингдек, маҳкамадан қарзи бўлган жисмоний ва юридик шахс.

Deflation- дефляция:

Муомладаги ортиқча қоғоз пулни муомаладан чиқариб ташлаш йўли билан пул кўламини камайтириш.

Dealer- диллер:

Моллар, қимматли қоғозлар ва валюта олди - сотти савдо битимларида воситачилик қилувчи шахс ёки фирма.

Diversification- диверсификация:

1. Бир бири билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш турларининг бир вақтда ривожланиши ва маҳсулот турларининг кўпайиши. 2. Маркетинг стратегияси, фирманинг асосий ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган янги маҳсулотлар бозоридаги фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилиши.

Denomination – деноминация:

Эски пул бирлигини янгисига алмаштириш билан миллий пул бирлигини мустаҳкамлаш.

Denunciation – денонсация:

Шартномани бекор қилиш; бирор давлат томонидан иккинчи давлатга улар ўртасидаги аҳднонинг бекор қилинганлигини билдириш.

Depositor – депонент:

Депозит счёти бўлган, қимматли нарсаларини депозит банкка қўйган шахс ёки фирма.

Engineering - инжиниринг:

Савдо қоидаларига асосланган муҳандислик маслаҳат хизматлари, ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектларини куриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш.

Innovation -инновация:

Мазкур термин барча жабҳаларда қўлланиладиган термин бўлиб - янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги технологиянинг биринчи марта солиқ ва божхона асосида қўлланилиши.

Capital- капитал:

Соҳибкор томонидан даромад келтириш учун йўналтирилган сармоя, восита, яъни эгасига қиймат келтирувчи сармоя. Капиталнинг пул, унумли ва товар шакллари мавжуд. Тадбиркорлик тасарруфидаги маблағлар ҳам сармоя ҳисобланади. Мутахассис қиймат сарфлаб ўрганган билими, орттирган тажрибаси ҳам капитал бўлиши мумкин. Иқтисодиёт назариясида капиталнинг доимий, ўзгарувчи, асосий ва айланма, саноат капитали, савдо капитали, ссуда капитали каби шакллари мавжуд.

Clearing- клиринг:

1. Нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг моллари, қимматли қоғозлар ва хизматлар учун талабнома ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олишга асосланган тизими. 2. Товарлар ва қимматбаҳо қоғозлар учун бир - бирига берадиган пулларни ҳисобга олиш билан нақд пулсиз ҳисоб қилиш.

Contribution - контрибуция:

1) Урушда мағлубиятга учраган давлатнинг ғолиб чиққан давлатга сулҳ шартномаси асосида товон тўлаши. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ нормасида ман этилган. 2) Душман томонидан босиб олинган ҳуқуқ аҳолисидан йиғиб олинадиган пул.

Coupon - купон:

1. Ҳазина мажбуриятининг, облигациянинг ҳар йили даромад келтириб турадиган йиғма қисми. 2. Акцияга илова қилиниб дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган варақ.

Earnings (income) – даромадлар:

Юридик ёки жисмоний шахсларнинг олган даромади. Натурал ва пул кўринишида бўлади. Даромадлар солиқли ва солиқсиз гуруҳларга бўлинади. Даромад тушунчаси давлат ҳақида сўз кетганда – миллий даромад, корхона даражасида (ялпи даромад, соф даромад) ва алоҳида шахслар кўрилганда аҳолининг пул даромадлари, фуқароларнинг реал даромадлари ва шахсий даромад шаклида бўлиши мумкин.

Convention – конвенция:

Халқаро битим тури. Бу термин халқаро почта, радиотелеграф алоқалари, божхона масалаларига оид битимларда қўлланилади.

Conventionaltariff – конвенцион бож:

Давлатлар ўртасида шартнома ёки битимга кўра белгиланган бож тўловлари.

Consortium – консорциум:

Буюртмалар олиш ва уларни бажариш учун ҳамкорликда курашиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти олиб боровчи мустақил фирмаларнинг вақтинчалик иттифоқи.

Compensation – компенсация:

Қоплаш, рағбатлантириш ёки бир мажбурият тўловини иккинчиси билан тўлаш; бирор нарса учун тўланадиган пул, ҳақ, товон, бадал.

Grossincome – даромад брутто:

Бирор фаолиятдан келган ялпи даромад. Масалан, маҳсулотни сотиш ва хизмат кўрсатишдан келган даромад.

Franchising – франчайзинг:

Француз тилидан олинган бўлиб, имтиёз, енгилликлар деган маънони билдиради. 1) Йирик ва кичик тадбиркорлик корхоналарининг келишув шакли; 2) Давлатнинг хусусий корхонага берадиган махсус имтиёзи.

Freight – фрахт:

Денгиз транспортда юк ва пассажирларни ташиш учун транспорт воситаси эгасига тўланадиган ҳақ; фрахт юкларни тушириш, юклаш, жойлаштириш ва ташишни ўз

ичига олади. Фрахт ҳақи ички юкларни ташишда эса шартномага кўра келишилган тартибда тўланади.

Free – франко:

Олди-сотди ва товарларни етказиб бериш шартномаларида қўлланиладиган халқаро термин. Келишувга кўра товарни жўнатиш бўйича харажатларнинг бир қисми сотувчи томонидан тўланади. Сотиб олувчи молни суғурта қилишдан ва транспорт харажатларидан озод бўлади. Масалан: франко-вагон келишувга кўра сотувчи вагон олиши ва юкларни вагонга ортишга мажбур бўлади.

Forward- форвард:

Битим имзолангандан икки кун муддат учун кейинги валюта ёки бошқа битим бўйича ҳисоб-китоблар.

Goods – товар:

Истеъмолчининг эҳтиёжи ёки талабини таъминловчи барча нарса (маҳсулот, хом ашё, товар, буюм, ашёлар).

Patent - патент:

1. Маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқарувчисига уни ишлаб чиқариш ва сотишга бериладиган танҳо ҳуқуқ. 2. Якка тартибда, патент ўзи ёки ундан фойдаланиш олди-сотти қилинади.

Hiring– хайринг:

Ижара мулки бўйича тузилган ўрта муддатли шартнома.

Holdingscompany – холдинг:

Ўз ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлмаган, лекин бошқа фирмаларнинг назорат пакетлари акцияларига эга бўлган компания.

Lag – лаг:

Корхона харажатларини амалга ошириш ва иқтисодий самара олиш ўртасидаги вақт узилиши. (Вақт лаги, инвестиция лаги.)

Legaltendernote – ғазна билети:

Давлат (ғазна) билети, давлат томонидан чиқарилган қоғоз пуллар.

Limited– лимитед:

Компанияларни ўз мажбуриятлари бўйича чекланган жавобгарлигини акс эттирувчи термин (акционер ёки пай капитал асосида). Масъулияти чекланган жамоанинг белгиси.

Revolvation- ревальвация:

Миллий пул бирлиги курсининг бошқа мамлакатлар пул бирлиги курсига нисбатан кўтарилиши. Олтин паритетлар бекор қилингунча (1971) ревальвация валютани асосида ётувчи олтин миқдорини кўпайтириш билан бирга амалга оширилган.

Reparation – репарация:

Қайта тиклаш (халқаро ҳуқуқда) – моддий халқаро – ҳуқуқий жавобгарлик тури: Давлатнинг бошқа давлатга етказган зарарини пул билан ёки бошқача шаклда қоплаш. Репарацияни натура шаклида ёки бир вақтнинг ўзида реституция (ғайриқонуний эгаллаб олинган ва олиб кетилган мол-мулкни қайтариш) ва зарарни қоплаш шаклида тўлаш мумкин. Репарацияни амалда 1919 йилгача мавжуд бўлган

контрибуциядан фарқлаш керак. Ҳозирги халқаро ҳуқуққа кўра, давлатнинг агрессив уруш бошлаганлиги учун моддий жавобгарлиги, яъни ҳарбий репарация муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 1945 йилги Қрим (Ялта) конференцияси ва Берлин конференцияси қарорларида Германиянинг Репарация тўлаши 1947 йилги сулҳ шартномаларида эса, иккинчи жаҳон урушида Германия иттифоқчилари бўлган давлатларнинг Репарация тўлаши назарда тутилган.

Certificate- сертификат:

Гувоҳнома, ҳужжат, ёзма шаҳодатнома. Пул белгиларини турлари ва унинг ўрнини босувчи облигацияларни бир хил турлари ва махсус давлат заёмлари, қарзга берганлик, ҳақидаги гувоҳнома сертификат дейилади. Сертификат кредит ташкилотлари томонидан чиқарилади. Ташқи иқтисодий алоқаларда товар сифати ҳақида сертификат, суғурта қилинган мулкка етган зарар тавсилоти, ҳажми ва сабабларини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳам сертификат термини билан юритилади.

Current value - жорий қиймат:

Корхона активлари эскиришининг қийматини ҳисобга олган ҳолда активларнинг фойдаланилмаган қисми.

Currency declaration – валюта декларацияси:

Валюта миқдори кўрсатилган ҳужжат; божхонага чегарадан валюта олиб ўтказилаётганда кўрсатиладиган ҳужжат-ариза.

Customs duties - божхона божи:

Давлат божхона хизмати органлари томонидан, чегарадан ўтказилаётган товарлар ва юклардан муайян божхона тарифи асосида пул шаклида олинадиган мажбурий йиғим.

Present value - жорий қиймат:

Қимматли қоғозлар ва сармоя лойиҳа қийматининг жорий ва келгуси даромадлари ва харажатларини белгиланган ставкада ҳисобланган қиймати.

Competitive tender-рақобатли буюртма (тендер):

Муайян жой ёки маҳсулотни конкурс асосида очиқ сотувга қўйиб белгиланган тартибда, муайян нархда сотиш.

Current revenue- жорийтушум:

Солиқлар ҳисобига шаклландиган даромадлар бўлиб, давлатга қайтариб бермаслик шarti билан олинган маблағлар. Мисол учун субсидия, ссуда ва ҳакозолар

Current account surplus of deficit with receipt of current grants –Даромадни харажатга нисбатан ортиқ бўлиши тушунилади:

Fiscal system – солиқтизими:

Ҳукумат қонунлари билан белгиланган, ижроия органлари томонидан олинадиган солиқлар йиғиндиси, тўғри ва эгри солиқлардан иборат.

Fine (forfeit) – жарима:

Қонунни, шартномани ёки белгиланган қонидани бузганлиги учун кўриладиган тадбир, пул тўлови; жарима.

Inspection- инспекция:

Мамлакатда солиқ, ундириш, уни ўз вақтида тўғри тўлаб боришни назорат қилувчи, ижро этувчи ҳокимиятнинг органи. Ўзбекистонда бу вазифаларни «Давлат солиқ қўмитаси» амалга оширади.

Invoice (texture) – фактура:

Товар ҳужжатининг бир тури бўлиб, товарнинг баҳоси ва белгилари кўрсатилади.

Information – информация:

Хабар, маълумотларни бошқарувчи информация, ахборот.

Import – импорт:

Ички бозорда сотиш мақсадида товар, маҳсулотларни чет элдан келтириш; хориж фирма ташкилотлари хизматидан пули фойдаланиш; чет эл товар ва капитални кредит ва заём кўринишида мамлакатга келтириш.

Physical person – жисмоний шахс:

Иқтисодий фаолиятда қатнашувчи ва бу жараённинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида фаолият кўрсатувчи шахс. Жисмоний шахс ўзининг номидан иш юритади, фирма ёки корхона каби ҳокимиятда рўйхатдан ўтиш мажбуриятидан озод.

Public revenues – давлат даромадлари:

Давлатнинг ўз функцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган даромадлари. Давлат даромадининг асосий манбалари: солиқлар, тўловлар, чет элдаги кредитлар ва улардан келадиган ёрдам, ташқи савдодан тушадиган даромадлар.

Obligation – мажбурият:

Тўлов мажбурияти, бурч, вазифа, тилхат. Шартнома билан расмийлаштирилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.

Quota (quotum) – квота:

1) Умумий ишлаб чиқаришда ва таъминотда ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси; 2) белгиланган солиққа тортиш бирлигидан олинадиган солиқ миқдори ёки пай бадали миқдори.

State financing – давлатдан молиялаштириш:

Корхона, муассаса ва ташкилотларга уларнинг сарф-харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаш учун давлат бюджетидан қайтариб олинмаслик шarti билан пул ажратиш.

Stagflation- стагфляция:

Ишлаб чиқаришнинг турғунлаштириш ёки пасайиши (стагнация), ўсиб боровчи ишсизлик ва инфляция билан характерланади. Шунингдек, стагфляция ишлаб чиқариш қувватларининг тўла ишлатилмаслиги инвестиция жараёнининг сустлашуви ижтимоий беқарорлик билан ҳам характерланади. *Стагфляция* ғарб малакатларида 1970 йилларда, собиқ шўролар даврида, 1980 йилларда юз берган.¹ Бу ҳолатдан чиқиш учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инвестиция, техника, технология тизимини янгилаш, ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш ва бошқа бир қатор тадбирларни амалга ошириш зарур.

Subsidy – субсидия:

¹ «Иқтисодиёт назариясидан терминлар ва тушунчалар.» А.Қ Қодиров, А.М. Турсунов.2000 й. Тошкент.78 -б

Корхона, муассасаларга қайтариб олмаслик шарти билан зарарларни, баҳони қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан бериладиган субсидия (пул маблағлари).

Share – пай:

Бадал, пай, аъзолик ҳисса, қисм; бирорта корхона ташкил этилганда аъзолари тўлайдиган аъзолик бадаллари.

Transfer- трансферт:

Тўловлар, давлат бюджетидан уй хўжалиги, фирмаларга тўланадиган тўловлар (нафақа, ижтимоий суғурта тўловлари)

Retail sales tax - чаканасавдосолиғи:

Чаканасавдоайланмасиданундириладигансолиқтури, асосанКанада, АҚШ ва Япония мамлакатлари солиқ тизимга жорий этилган.

Payroll tax – иш ҳақи фондидан олинадиган солиқ:

Иш ҳақи фондидан олинадиган солиқ тури Ўзбекистонсолиқ тизимида ягона ижтимоий тўловга тўғри келади.

Price distorting tax- нархга таъсир этувчи солиқ:

Мазкур солиқни ундирилиши натижасида истеъмолчи томонидан тўланадиган нархнинг ўзгариши ушунилади.

Taxes (taxation) – солиқлар, солиққа тортиш:

Давлат бюджетига мажбурий шаклда тўланадиган тўлов. Солиқларнинг моҳияти, роли ва таркиби жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тузуми, давлатнинг иқтисодий-ижтимоий табиати ва функцияларига кўра белгиланади. Давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи солиқлардир. Масалан, акциз солиғи, даромад солиғи, транспорт солиқлари ва ҳаказо.

Tax indexes – солиқлар индексацияси:

Иқтисодиётнинг ривожланиб бориши натижасида солиқларнинг ўзгариб боришини тартибга солувчи кўрсаткичлардир. Масалан, даромад солиғининг айрим элементлари баҳо индексининг ўсиши ёки иш ҳақи индекси асосида ўзгариши.

Tax in kind – ясақ (натурал солиғи):

Қадимги даврда яшаган халқларнинг тўлаган натурал солиқлари. Аҳоли ўз қишлоқ бошлиқларига солиқни натурал (махсулот, хом ашё) кўринишида тўлаб берганлар.

Back taxes - тўланмаган солиқ суммасини тўланиши:

Олдинги йилларда тўланмай қолган солиқларнинг тўланиши.

Tax privilege – солиқ имтиёзлари:

Солиқ тўловларидан тўла ёки қисман озод бўлиш. Солиқ сиёсатининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий мақсадларни кўзлайди.

Tax vacation – солиқ каникули:

Корхоналарни самарали ишлаганликлари учун ёки бошқа сабабларга кўра давлат томонидан бериладиган имтиёзлар даври. Бу даврда улар солиқлардан озод қилинади.

Earmarked taxes - махсус солиқлар:

Махсус мақсадлар учун захираланган солиқлар йиғими

Taxamnesty - солиқ амнистияси:

Солиқ органларининг жарима қўллагандан олдинги тўланмаган солиқ тўловларидан кечиш.

Tax base - солиқ базаси:

Жами даромаддан чегирмалар чиқариб ташлангандан қолган, солиққа тортиладиган даромад.

Tax return - солиқ баённомаси:

Солиқ тўловчининг йил давомида олган даромадидан, солиққа тортиш мақсадида солиқ органларига тақдим этиладиган баённома.

Tax haven - солиқ «гавани»

Хорижий мамлакатлар сармоясини жалб қилиш мақсадида муайян давлат томонидан солиқ имтиёзлари йўли орқали қулай молиявий шарт-шароитлар яратиш.

Tax capitalization - солиқ капитали:

Солиққа тортиладиган активларнинг баҳосини камайтириб кўрсатиш.

Tax credit - солиқ имтиёзи:

Муайян солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятлари бўйича аниқ кўрсатилган қийматга нисбатан солиқларни камайтириш.

Earned income tax credit - ишҳақиучунсолиқимтиёзи:

Ишҳақиучунсолиқимтиёзлари, даромадданолинадигансолиқларнитўлашиникечиктиришшакли.

Tax on income – даромадсолиғи:

Фуқароларнинг бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинadиган мажбурий тўлов (солиқ). Давлат томонидан белгиланган ставкалар асосида тўланади.

Factoring- факторинг:

Қарздорни пул мажбуриятларини қараз берувчидан сотиб олиш, мижозга айланма капитал учун кредит бериш билан биргаликда ўтказиладиган савдо- воситачилик ҳаракатларини тури.

Holding- холдинг:

Мазкур термин бир қанча маънога эга: а) ер участкаси (ижарага олинган); б) эгалик қилиш (қимматли қоғозларга); в) ушлаб туриш, маҳкамлаш.

Charter- чартер:

Кема эгаси ва уни фрахтга олувчи ўртасида кеман ёки унинг бирор қисмини ижарага олиш тўғрисидаги шартнома.

Check- чек:

Махсус пул ҳужжати; чекни имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисоб ҳақида банкка берган ёзма фармойишини ифода этади. Чекнинг ҳаракат муддати 10 кундан ошмаслиги керак.

Embargo - эмбарго:

а) давлат томонидан бирон бир товарларни четдан келтириш ёки четга чиқаришни таъқиқлаш; б) бошқа мамлакатнинг ҳуқуқини бузиш ҳаракатларига жавобан ҳуқумат томонидан бошқа мамлакат ёки ўз юк транспорт воситаларининг мамлакатдан чиқишини таъминлаш.

Journal order- журнал ордер: